

ХУҚУҚБУЗАРЛИКНИНГ КАТТА-КИЧИГИ БҮЛМАЙДИ...

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузурида кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишини назорат қилиш инспекцияси ваколатли орган сифатида тўлиқ шакллантирилиб, республиканинг барча ҳудудларида ўз фаолиятини юритиб келмоқда.

Бугунги кунда Инспекция томонидан шаҳарсозлик ва қурилиш қоидаларига зид равишда ўзбошимчалик билан тураржойларнинг конструкцияларига ўзгартириш киритиш орқали уларнинг табиий оғатлар (зилзила, сув тошқини ва ш.к.)га бардош бера олмайдиган аҳволгача олиб келинишига сабаб бўлаётган ҳуқуқбузарликларни, шу жумладан, фуқароларимизнинг хавфсиз яшашларига рахна соладиган ноқонуний қурилмаларни аниқлаб, уларни бартараф этиш ва келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик чораларини кўриб боришда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Инспекция томонидан 2018 йилда ўрганиб чиқилган жами 12 831 та уй-жой фондларида 9 758 та ҳолатда кўчмас мулк эгалари томонидан ўзбошимчалик билан бинолар барпо этилганлиги аниқланиб, уларни ихтиёрий равишда бузиш ҳақида уй-жой фонди эгаларига мажбурий кўрсатмалар берилган ва ҳисобот даври охирига қадар шуларнинг 9 342 таси ёки 96 фоизи буздирилган, қолганларини мажбурий тартибда буздиришга оид даъво аризалар судларга тақдим этилган, 51 та ҳолатда аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан тўплangan материаллар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга юборилган.

Уй-жой фондларининг техник ҳолатини ўрганиш жараёнида аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан 1 899 та айбор шахсларга нисбатан маъмурӣ жарималар қўллашга оид материаллар судларга тақдим этилган ва шуларнинг 1 381 тасини кўриб чиқиш натижаси бўйича 250,2 млн. сўмлик жарималарни ундиришига оид суд қарорлари қабул қилинган.



Ўзбошимчалик билан барпо этилган қўшимча биноларни буздириш жараёни



Ўзбошимчалик билан барпо этилган қўшимча бинолар бартараф этилгандан кейин уй-жой фонди кўриниши

Инспекция томонидан 2018 йилда ХУЖМШларнинг мажбурий бадал суммалари ва банк кредит маблағларининг мақсадли сарфланишига оид фаолиятини текшириш натижаси бўйича 229 та ҳолатда 3,6 млрд. сўмлик имтиёзли кредит ва мажбурий бадал маблағлари мақсадсиз ишлатилганлиги ёки талон-торож қилинганлиги аниқланиб, бажарилмаган ишлар ҳажмига қўшиб ёзилган 301,8 млн. сўмлик маблағлар инспекция саъй-ҳаракати билан ХУЖМШлар фойдасига қайтарилди, 126 та ҳолатда маблағларни талон-торож қилганлиги юзасидан тўплangan материаллар чора кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга топширилди.

Инспекция томонидан кўп хонадонли уйлардаги умумий мулкни техник жиҳатдан текшириш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Инспекция томонидан 2018 йилда 14 918 та уй-жой фондларини сақлаш ва ундан фойдаланишнинг техник хавфсизлик қоидаларига риоя этилишини ўрганиб чиқиш натижаси бўйича 26 641 та ҳолатда аниқланган камчилик ва муаммолар, шу жумладан, 2 520 та уй-жой фондининг ертўла қисми ва умумий фойдаланишдаги муҳандислик ускуналари таъмирталаб эканлиги, 2 437 та уй-жой фондининг фасадлари – кириш йўлаклари таъмирланмагани, 952 та уй-жой фондининг том қисми таъмирланмаган – чакки ўтиши, 1 969 та уй-жой фондида фрамуга ромлар қўйилмаганлиги, 14 001 та уй-жой фондининг йўлакларига ёритгич мосламалари ўрнатилмаганлиги, 285 та уй-жой фонди ирригация ва иссиқлик тизимлари носоз-яроқсиз эканлигига оид масалаларни шу соҳага алоқадор тегишли мутасадди идоралар билан биргалиқда ҳал этиш чоралари кўрилди.

Уй-жой фондларини 2018–2019 йиллар куз-қиши мавсумига тайёрлаш юзасидан 22 597 та объектларда олиб борилган ишларнинг аҳволини ўрганиб чиқиш натижаси бўйича жами 34,4 млрд. сўмлик 2 718 та объектларда бажарилиши лозим бўлган таъмирлаш ишларида аниқланган камчиликлар,

шундан, 2 695 таси бүйича 32,1 млрд. сүмлик ретжалаштирилган маблағлар тижорат банклари томонидан вақтида молиялаштирилмаганлиги, 1,2 млрд. сүмлик 7 та обьектдаги ишлар пудратчи ташкилотлар томонидан түлиқ якунланмаганлигига оид муаммолар Уй-жой коммунал хизмат күрсатиш вазирлиги номидан Марказий банк ва бошқа республика тижорат банклари ҳамда шу соҳага алоқадор бошқа мутасадди идораларга хат-хабарлар киришиш орқали ҳал этиш чоралари кўрилган.



Уй-жой фондларини сақлаш ва улардан фойдаланиш соҳасида аниқланган мавжуд камчиликлар ва ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш масалалари юзасидан коммунал хизмат күрсатиш ташкилотларига 28 та тақдимномалар киритилган.

Шу давр ичida Инспекция томонидан уй-жой фондларида жойлашган 5 133 та нотураржойлардан фойдаланишни кўчмас мулк эгалари ва тадбиркорлик субъектлари томонидан техник қоидаларига риоя этганлик ҳолатларини ўрганиш натижасида аниқланган 4 456 та хукуқбузарликлар, шу жумладан, 1 462 та тураржойни нотураржойга ўтказилганлигини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд эмаслиги, 1 290 та тадбиркорлик субъектлари билан ХУЖМШлар ўртасида ижара шартномаси тузилмаганлиги, 289 та нотураржой мулқдорлари 101,1 млн. сүмлик мажбурий бадал қарзини тўлашдан бош тортиб келганлиги, 648 та уй-жой фондига туташ 13 545 кв. м майдони кўчмас мулк эгалари ва тадбиркорлар томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олиниб, ноқонуний қурилмалар барпо этилганлиги, 31 та уй-жой фонди ертўлалари ноқонуний равишда эгаллаб олинганлиги, 22 та уй-жой фонди ертўлалари рухсатсиз реконструкция қилинганлиги, 29 та уй-жой фонди ертўлалари ноқонуний равишда нотураржой сифатида фойдаланиб келинганлиги, 306 та нотураржойлар ўзбошимчалик билан реконструкция қилинганлиги, 98 та нотураржойлар тадбиркорлик субъектлари томонидан бошқа мақсадларда фойдаланиб келинганлигига оид муаммолар ечими масъул мутасадди идоралар ҳамда хукуқни



муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда ҳал этилган.

2018 йилда Инспекцияга юридик ва жисмоний шахслардан жами келиб тушган 1 748 та мурожаатларнинг 88 таси кўп хонадонли уй-жой ва унга туташ ҳудудларни сақлаш қоидалари бузилганлиги, 105 таси уй-жой фонди ва унга туташ ҳудудлардан фойдаланиш қоидалари бузилганлиги, 176 таси кўчмас мулк эгаларининг биноларни ўзбошимчалик билан ўзgartirганлиги, 46 таси нотураржойларнинг техник ҳолати бузилганлиги, 131 таси уй-жой фондларини куз-қиши мавсумига тайёргарлик жараёнларидағи камчиликлар, 248 таси умумий фойдаланадиган жойлар, фасадлар, уйнинг ички муҳандислик коммуникацияларини тъмирлаш, тиклаш ишларини тизимли олиб бормаганлиги, 76 таси уй-жой коммунал хизмат күрсатиш соҳаси ташкилотларининг фаолиятидан норози эканлиги, 200 таси уй-жой фондларида кўчмас мулк эгалари томонидан тўланаётган мажбурий бадалларнинг мақсадсиз сарфланаётганлиги ҳамда мажбурий бадал миқдоридан норози эканлиги, 456 таси ХУЖМШлар фаолиятидан, 52 таси инспекция ходимларининг хатти-ҳаракатидан норози эканлиги ва 170 таси бошқа масалаларга оид мурожаатларни ташкил этиб, шулардан 1 596 таси ёки 91 фоизи Инспекция ходимлари томонидан жойига чиқиб, шахсан хат муаллифлари ҳамда шу масалалар алоқадор бўлган бошқа мутасадди идоралар вакиллари иштироқида кўриб чиқилган.

Бугунги кунда Инспекцияда ташкил этилган "Ишонч телефони" мунтазам фаолият юритмоқда. Инспекция "Ишонч телефони"нинг теледастурларда мунтазам равишда тарғиб этиб келинаётганлиги – юридик ва жисмоний шахслар томонидан тўғридан-тўғри Инспекцияга мурожаат қилишларига қулийликлар туғдирмоқда.

Инспекциянинг "Ишонч телефони"га уй-жой фондидан фойдаланиш ва сақлашга оид турли масалалар бўйича келиб тушган 300 дан ортиқ мурожаатларнинг деярли барчаси жойига чиқиб, шахсан хат муаллифлари иштироқида кўриб чиқилган.

Уй-жой коммунал хизмат күрсатиш соҳасидаги ишлар сифатини тубдан яхшилаш, ушбу йўналишнинг ҳар бир жабҳаларидағи фаолиятни янада жонлантириш соҳасидаги амалий кўнилмалар билан илмий-назарий билимларни ўйғунлаштириш мақсадида, Уй-жой коммунал хизмат күрсатиш вазирлиги ҳузуридаги "Уйжойфондинспекцияси" қошида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, олий ўқув юртлари ҳамда коммунал соҳа билан боғлик бошқа ташкилотларда фаолият юритаётган академик, профессор-ўқитувчилари ҳамда етук мутахассислардан иборат "Илмий маслаҳат Кенгаши" ўз фаолиятини юритиб келмоқда.

Абдуназар ЭРДОНОВ,
Уй-жой коммунал хизмат күрсатиш вазирлиги
ҳузуридаги Кўп хонадонли уй-жой фондидан
фойдаланишни назорат қилиш
инспекцияси бошлиғи